12 (394)
2004 йил 24 март
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

саҳифада

2
▶ Хайр-саховатнинг чегараси йўқ...
▶ Истак бўлса, иш топилади

3
▶ "Тилинггаю қўлингга эҳтиёт бўл, болам!"
▶ Узунда газ қувурлари яна узайди.

4
▶ Умр ғанимат, демак мазмунли яшаш керак!
▶ Абдулла аканинг "белги"ли чораваси...

ТОШКЕНТДА НИЗОМИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.ШОАБДУРАҲМОНОВ очди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги маданий ҳамкорлик мустақиллик даврида янада кенгаймоқда, тараққий этмоқда. Пойтахтимизнинг энг сўлим масканларидан бири — Бобур боғи ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини туташтириб турган майдонда Низомий Ганжавий ҳайкалининг қад кўтариши ана шу яқинликнинг яна бир гўзал белгисидир.

23 март куни Президентлар Ислом КАРИМОВ ва Илҳом АЛИЕВ мазкур ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

— Мен шу маросимда қатнашаётган азиз меҳмонларимизни, аввало, озарбойжон Президенти Илҳом Алиевни, ҳурматли адабиёт ва санъат вакилларини, Низомий ижодининг барча мухлисларини чин қалбимдан қутлашдан бахтиёрман, — деди давлатимиз раҳбари.

Бутун башарият бадиий оламининг забардаст вакили бўлмиш Низомий Ганжавий — ўзининг ўлмас ва бетакрор ижодини инсон маънавиятини куйлашга, эзгулик ва фидойилик, вафо ва садоқат, адолат ва жасорат каби олижаноб туйғуларни таннум этишга бағишлаган бу улуғ зот жаҳондаги энг буюк шоирлар қаторида туради, десак, асло хато бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда Низомийнинг мўътабар номини, унинг авлодларга қолдирган бой ва ажойиб меросини билмайдиган бирорта ўзбек йўқ, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Ислом Каримов буюк бобомиз, ўзбек шеъриятининг султони Алишер Навоий Низомий даҳосига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарагани, ўз ижодида бу улуғ шоир куйлаган, орзу қилган фалсафий, ижтимоий-ахлоқий ғояларни, инсон зотини шарафлайдиган қадриятларни давом эттиргани тарихдан яхши маълум эканлигини таъкидлади.

— Тарихимиз саҳифалари ўзбек ва озарбойжон халқларининг илдизлари муштарак, тили, дини ва урф-одатлари нақадар яқин бўлганидан ҳам далолат беради. Ҳозирги авлод, икки мамлакат жамоатчилиги бу маданий ришталарни умумий бойлигимиз сифатида қадрлайди ва бу бойликни асраб-авайлаб, янада мустаҳкамлашга интилади. Бунинг тасдиғини бугунги ҳаётимизнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий соҳаларидаги кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Ўзбекистон раҳбари буюк Низомий Ганжавийнинг ушбу муҳташам ҳайкали Тошкент Давлат педагогика университети олдидаги кўркам майдонда қад ростлагани бежиз эмаслигини таъкидлади.

— Юртимиздаги мўътабар илм масканларидан бири бўлган ушбу университет олтмиш йилдан буён Низомийнинг табаррук номи билан аталиб, унинг хотирасини улуғлаб келмоқда. Ажойиб санъат асари бўлмиш бу муаззам ҳайкал замон ва макон чегараларини билмайдиган Низомий даҳосига маърифатпарвар халқимизнинг чуқур эҳтиром белгисидир, — деди Ислом Каримов.

Айни пайтда мен бу ёдгорликни қардош озарбойжон халқига, унинг кўҳна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан ўтиб келаётган сўнмас руҳи, иродда ва матонатига, унинг ёруғ келажагига бўлган ҳурмат ва ишончимизнинг рамзи сифатида қабул қилишингизни истардим, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу муҳташам ёдгорлик янги-янги авлодларимизни Низомий куйлаган ўлмас ғояларга, эзгу интилишлари муштарак икки халқни бир-бирига таянч бўлиб дўстлигини мустаҳкамлашга доимо чорлаб туради. Ишончим комилки, қардошлигимизнинг бу ёрқин тимсоли халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналаридан бизларни ҳамиша баҳраманд этишга хизмат қилади.

Яна бир бор Низомий ватанидан, шеърият ва гўзаллик юртидан ташриф буюрган сиз, азиз меҳмонларимизни диёримизга, Ўзбекистонимизга хуш келибсиз, деб қутлашга рухсат бергайсиз. Ўзбек ва озарбойжон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги янада ривожланаверсин, яна ҳам зиёда бўлсин! — деди Ислом Каримов.

Президент Илҳом Алиев озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ўзбекистон тупроғида қадр топаётгани, эъзозланаётгани учун ўзбек халқига, ушбу хайрли ишларда бош бўлиб турган Президент Ислом Каримовга ўз мамлакати, халқи ва ҳукумати номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Ушбу ҳайкални ҳайкалтарош Илҳом ЖАББОРОВ ишлаган, унинг меъмори — Валерий АКОПЖАНЯН.

(ЎзА)

● Бугунги мулоҳаза

САВОБ — ҲАР ҚАДАМДА

Савоб, савоб, деймиз-у, савобнинг ўзи нима? Қайси ишимиз савобу, қайси ишимиз азоб... Давраларда, йиғинларда савоб ишлар санаб ўтилади, лекин ҳар бир яхши ишимиз савоблардан иборат эканлигига ҳамма вақт ҳам эътибор беравермаймиз.

Тўй маросимларни ихчамлаштириш ҳақидаги Юртбошимизнинг Фармони эълон қилингандан кейин маҳалладаги икки қуда ўзаро келишиб тўйни ортиқча сарф-харажатсиз ўтказишга келишишди-да, ортиб қолган пулни кўчаларни асфальтлашга сарфлашди. Ўйлайманки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам савобли иш қилишди. Ўзим гувоҳ бўлган қишлоқдаги бир савоб иш ҳақида ҳам айтмасам бўлмас. Қишлоқларда ҳамма қишлоқдошлар молларини йиғиб навбати билан далага боқиб келиш одати бор. Буни ҳам имкони бор одам қилади. Боқишга чиқолмаган одам молини уйида олиб қолишга мажбур. Бир кекса отахон ва онахоннинг мол боқиш навбатини бир йигит бўйнига олиб, ҳар сафар ўтказиб беради. Дуо олиш билан бирга, у савобга кўмилиб яшайди, десам сиз менга қўшиларсиз.

Оғайниларимдан бири яқинда менга ёрилиб қолди: "Дўстим, бу йил томорқамдан жуда катта даромад қилдим, оилага сарфласам барибир бу ҳам етмайди, рўзғор - ғор деб бекорга айтишмаган. Бир савоб иш қилсам, дегандим... Мен у яшаётган қишлоқдаги қабристоннинг аҳволи ночор эканлигидан хабарим бор эди. Шунинг учун "Кучинг етгунча қабристонни обод қилишга ҳисса қўш", дедим. Унга маъқул келди шекилли, пулига йигирма машина шағал олиб келиб, қабристоннинг йўлига тўктирди. Яна бир йиғинсам асфальт ҳам қилдираман, деб ният қилиб юрибди. Қани айтингчи, савоб ишми бу? Э, савоб бўлганда қандоқ.

Мен бир одамни танийман. Ҳар кўрганимда "Эй, ўртоқларинг билан келсангчи, зиёфат қилиб кутиб олай, ё чойхонада ош дамлайми", деб қолади. Бир куни синаб кўрай деган мақсадда "Бўпти, фалон куни ўнта бўлиб фалон жойда бўламиз, ҳимматингизни кўрсатасиз", дедим. Бундай жавобни кутмаган шекилли, бечора аввал каловланиб, сўнгра "Яхшиси қайси кун қилишни ўзим айтаман, хабар бераман", деб қолди. Тўғри, мен унинг зиёфатига ёки бир пиёла чойига зор эмасман. Насибам етарли, лекин мени бошқа томони ўйлантиради. Гап шундаки, шу одам яшайдиган қишлоқда ободончилик учун атиги 1000 сўмдан пул йиғишибди. Бу акам менга бунинг нима алоқаси бор, деб пул йиққан одамни мулзам қилибди. Афсуски, бундай савоб бойлигига ишониб юрган маънавий қашшоқ одамар кам эмас.

Ҳурматли Юртбошимизнинг ибратомуз гаплари бор: "Савобни ҳар куни, ҳар ким қилиши керак". Ваҳоланки, савобнинг катта-кичиги бўлмайди, савобни излаб юриш ҳам шарт эмас, ҳар қадамда, ҳар дақиқа савоб бизга кўзини тикиб ётибди.

Шу ўйлар билан уйга қайтдим. Қаронғу тушиб қолган, бурилишдаги йўлда бир кекса отахон қўл кўтарди. Манзилни айтиб, ола кетишимни сўради. Уйи олдига етгач тўхтадим, у чўнтагини ковлай бошлади. Мен уни қўлидан тутиб, қўйинг дедим. У юзимга қараб дуо қилди: "Топганингиз олтиндан ҳам қиммат, болам", деди. Савобнинг ёруғ нури юрагимни шод қилди.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

● Семинар

МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛАРИ

Фарғона Давлат университети биносида Халқаро Конрад Аденауэр жамғармаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва тадбиркорликни информацион қўллаб-қувватлаш "Заковат" жамоатчилик фондлари ҳамкорлигида "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари профессионал менежменти" ҳамда "Қишлоқ хўжалик бирлашмаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш" мавзусида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.

Унда "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими ва бир қатор шаҳар ва туман бўлинмалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, илғор тадбиркорлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Семинарнинг биринчи кунида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев "Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини бошқаришнинг устивор йўналишлари", 2 — Тошкент тиббиёт олийгоҳи кафедра мудири Муҳаммаджон Қорабоев "Бошқарув қарорларини қабул қилиш асослари", Германия агроакция лойиҳаси менежери ўринбосари Машарип Худойберганов "Маҳаллани ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда Хоразм вилояти тажрибаси", германиялик ҳуқуқшунос Михаел Польке "Германияда муниципал тизим ва сайловлар", Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият академияси доценти Муқимжон Қирғизбоев "Маҳаллада фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнларида фаол иштирокини рағбатлантиришни ташкил этишга доир тренинг" мавзулари бўйича докладлар билан чиқдилар.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

● Наврўз шодиёналари юрт бўйлаб кезар

ЯҲШИ ИШЛАР ТАНГАНАСИ

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жамоаси баҳор ва яшариш фасли — Наврўз шукуҳига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.



"Меҳр ва мурувват йили" Дастури асосида вилоятдаги мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга ҳокимлик, ҳомий ташкилотлар томонидан мурувват ёрдами кўрсатиляпти. Жумладан, ҳар бир хонадонга бир тоннадан ем-хашак маҳсулотлари, 10 кг.дан пахта ёғи бепул тарқатилди. 50 дан ортиқ келин-куёвлар, 120 дан ортиқ кам таъминланган оилалар фарзандларининг хатна тўйлари ўтказилди. Уларга либослар, тўёналар, уй-рўзғор буюмлари берилди. Ҳудудларда шифохоналар, тарбия масканлари, спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди. Наврўз байрамига бағишланиб спорт, гул, таомлар танловлари, маданий тадбирлар ташкил этилди. 4 та маҳалла ҳудудлари таъмирланиб, кенг жамоатчиликка топширилди. Бундай тадбирлар вилоят, туман ва шаҳар марказларида, маҳаллаларда бўлиб ўтди.

— Наврўз шодиёналари ҳали вилоятимизда давом этади, — дейди Жиззах вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Шамсиддин Жўраев, — Наврўзда яхши ният билан боғлар барпо этилмоқда. Мўл ҳосил олиш умиди билан замин бағрига уруғ ташланмоқда. Бир сўз билан айтганда, Наврўз жиззахликлар қалбига бир олам қувонч бахш этаяпти.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

Қорақалпоғистон Республикаси

ГУЛИСТОНЛИКЛАРГА НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Баҳор ва шодлик байрами бўлмиш Наврўз айёми барча юртдошларимиз қатори Элликқалъа тумани "Қирққиз" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги Гулистон овулининг 50 га яқин хонадонлари аҳолисига ҳам олам-олам қувонч келтирди.

Туманнинг чекка ҳудудида жойлашган мазкур овулга марказий трассадан 5,5 километрлик трубалар тортилиб, табиий газ олиб келинди.

Айни пайтда Элликқалъа туманининг 14 минг 933 хонадонида зангори олов ёниб турибди. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасидаги туманларга нисбатан анча юқори. Туман аҳлига умумий миқдори 804 километр узунликдаги ҳар хил босмдаги газ термоқлари узлуксиз хизмат кўрсатмоқда.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

ИШ КЕРАКМИ? — МАРҲАМАТ

Самарқанд шаҳрининг Мустақиллик хиёбонида "Миллий ҳунармандлар" ва "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги корхона ва ташкилотлар ушбу ярмаркада ўзларининг ҳунармандчилик ижодиёти намуналари билан бевосита иштирок этдилар.

"Бўш иш ўринлари" ярмаркасида вилоятдаги 183 та корхона ва ташкилотлар 681 иш ўрнини таклиф этишди. Шу куни 44 нафар ишсиз фуқаро ўзлари учун маъқул иш топишди.

Азимжон ҚОДИРОВ.

● "Меҳр ва мурувват йили" дастури доирасида

"ТЎЙЛАРИНГИЗ МУБОРАК"

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази, Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Республика "Нуроний", "Меҳр-шафқат ва саломатлик", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамкорлигида катта хайрия тадбири ташкил этилди. Акмал Икромов тумани ҳокимлигининг "Тантаналар" залида бўлиб ўтган мазкур тадбирдан суннат тўй, 12 ёшга тўлган ўғил ва қиз болаларнинг "Эъзоз" кечаси ҳамда ёшларнинг никоҳ тўйи ўрин олди.

Кечада тумандаги кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 100-сонли ногирон болалар меҳрибонлик интернат мактабининг юзга яқин ўқувчилари эъзозланди.

"Суннат тўйи" маросимида Акмал Икромов тумани маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларининг 15 нафар фарзандларига таъсисчиларнинг миллий тўй либослари кийдирилди.

Тўй болаларнинг ҳар бирига Республика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан омонат дафтари очилиб пул маблағлари ўтказилди.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг профессори, филология фанлари доктори Саодат Йўлдошева ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, анъаналари, маросимлари ва "Мучал тўйи" тарихи ҳақида маъруза қилди.

Куннинг иккинчи ярмида Акмал Икромов туманида истиқомат қилувчи ёшлар Бахтиёржон ва Гулчеҳрахон ҳамда Дилмурод ва Иродахонларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Уларга Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг совғаси — телевизор ҳадя этилди.

Шунингдек, келин-куёвлардан Дилмурод ва Иродахонларга ҳокимлик томонидан 2 хонали турар жой ажратилди.

Мазкур тадбир орқали ёшларга миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва маросимларимизга бўлган ҳурмат ва меҳр руҳини сингдириш ҳамда уларни келажак авлодларга мерос сифатида қолдириш каби эзгу мақсадалар кўзланган эди.

Муборак НИЁЗОВА, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубият маркази мутахассиси.

Обуна-2004

Mahalla

— Яна нима дейди?

— "Mahalla" ўқувчилари кўпаяяпти, — дейди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Замондош

ЧИНОЗЛИКЛАР АРДОҒИДА

1964 йилда қалб амрию, замона зайли билан Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги жамоа хўжаликларидан бирига (ҳозирги "Эшонобод" жамоа хўжалиги) келиб қолган ёш мутахассис-чорвадор, украин ўғлони Владимир ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, чорвачилик сир-асрорларини чуқур билиши, ва шунингдек ҳамкасблари билан дўстона муносабати туфайли тез орада жамоат ҳурматини қозонди.

У бу ерда яхши ишлаб, хизмат пиллапояларидан кўтарилди, тажрибали раҳбарга айланди. Айниқса, унинг Чиноз туманига раҳбарлик қилган кезлардаги фаолиятини сафдошлари, аксарият чинозликлар ҳанузгача илиқ таассуротлар билан эслашади.

Айниқса, Владимир аканинг байрам кунлари арафасида касалхоналарга бориб, барча беморлардан хол-аҳвол сўраши, уларни байрам билан табриклаб чиқиши ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмаса керак.

У раҳбарлик қилган 1989 йилда Чиноз тумани давлатга пахта сотиш режасини республикада биринчи бўлиб бажарди. Кўп ўтмай уни вилоят даражасидаги раҳбарлик лавозимига тайинлашди.

"Қизил империя" чокидан сўкилиб кетаман деб турган, одамларни чалғитиш учун, жон талвасасида, ҳар хил уйдирмалар тўқиб, миллий адоват уруғини сочиш авж олган даврда Паркент ва Бўка туманларида жунбушга келган аҳолига ҳақиқий вазиятни тушунтиришда кўрсатилган жонбозликларда Владимир Грищукнинг ҳам ҳиссаси катта.

Шу кунларда Володя ака муборак ёшини қаршиламоқда. Кўпчилик бу ёшда кексаликни бўйнига олади-қўяди. Чинозлик Владимир Грищук унақалардан эмас. Бу меҳнатсевар инсон жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшиш иштиёқида ҳозир ҳам нуфузли ишлаб-чиқариш корхоналаридан бирида ишлаб келмоқда.

Орамизда Владимир Грищук каби Ватан равнақи, юрт истиқболи, фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган жонкуярлар бор экан, мустақил юртимиз келажаги ҳақида қайғуришга ҳожат қолмайди.

Файзулла ТОЖИҚУЛОВ,
Чиноз тумани ҳокимлиги етакчи мутахассиси.

Маҳалла ташвиши

ИШСИЗЛИК БАРҲАМ ТОПМОҚДА

- **Кам даромадлиларнинг даромадларини ошириш ҳам меҳр ва мурувватнинг бир кўринишидир.**
- **Пойтахтга иш излаб келганлар...**
- **Тадбиркор фақат ўз бойлигини ўйламасин...**

Маълумки, Меҳр ва мурувват йилида хайрли ишлар кўлами бир қадар кенгайди. Айниқса, "Меҳр ва мурувват йили" дастури бу борада кўзланган мақсадларни амалга оширишда дастуриламал бўлади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса бу жараённи ҳаракатлантирувчи кучлардан бири. Мухбиримиз Наманган вилояти Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Олимжон НУРИТДИНОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— "Меҳр ва мурувват йили" дастури ижроси ҳақида гап кетганда, асосан эҳтиёжманд оилалар, муҳтож кишиларга турли йўналишларда моддий ёрдам кўрсатишни тушунамиз. Бироқ асосий эътибор кам таъминланган оилалар даромадини кўпайтириш учун имкониятлар яратишга қаратилса, янада мақсадга мувофиқроқ бўлса керак?

— Жамиятимиз ва давлатимиз ривожлангани сари фуқароларнинг моддий аҳволи ҳам яхшиланиб боради. Бу — қонуний. Жамият аъзоларининг меҳнатга яроқли қисми тўлиқ иш билан таъминланиб, яратувчанлик ишида фаол иштирок этиши таъминлансагина, уларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб боради. Мамлакатимизда бу жараённи амалда жорий қилиш учун катта тажриба тўпланди.

Вилоятимизда Обод маҳалла йилида эҳтиёжманд кишиларга турли йўналишда ёрдам кўрсатиш учун 100 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Аммо мурувватга муҳтож фуқароларнинг бир қисми ўз жисмоний ва касбий имконияти даражасида ишлай олмаётганлиги туфайли кам иш ҳақи олмоқда. Ёки муносиб иш топа олмаяптилар. Шу боис, биз ўтган йилда шундай фуқароларни юқори маошли иш билан таъминлашга, фарзандларининг эса касб-ҳунар ўрганишига кўпроқ эътибор бердик. Натижада янги корхоналар , деҳқон-фермер хўжаликларига 37 минг 663 нафар фуқаро ишга жойлашди. Ёшлар ўртасида "Уста-шогирд" йўналишидаги ҳаракат жонлантирилди. Бугун 795 нафар вояга етмаган ўғил-қизлар касб-ҳунар ўрганмоқдалар. Маҳалаларда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 37 та сартарошхона, 35 та этикдўзлик, 32 та тикувчилик-тўқувчилик цехи ташкил этилди. Мингдан ортиқ ёшлар қишлоқ хўжалигига, фермер хўжаликларига жалб этилди. Туман ва шаҳарларда ўтказилган меҳнат ярмаркалари ҳамда турли тендер танловлари орқали юзлаб кишилар иш билан таъминланди.

Вилоят бандлик бошқармаси ва унинг туман, шаҳар бўлимлари, "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда бюджет ва корхоналар маблағлари ҳисобидан иш ўринлари яратишга бутун диққат-эътиборни қаратди. Ўтган Обод маҳалла йилида яратилган 28 минг 597 та ишчи ўрни ана шу саъй-ҳаракатлар самараси.

— Сир эмаски, кейинги йилларда республикамиз вилоятларидан, жумладан, Наманган вилоятидан ҳам кўплаб ишсиз ёшлар пойтахтимиздаги турли хонадонлар, давлат қурилиш даргоҳларида ишлаб, пул топаяптилар. Аммо уларнинг аксарияти иш берувчи билан оғзаки шартнома асосида меҳнат қилишади. Шу ўринда пойтахтимиз ва бошқа шаҳарлардаги хоҳ хусусий, хоҳ бошқа мулкчилик шаклидаги хизмат кўрсатиш масканларида қонуний шартнома асосида ёшларни иш билан таъминлаш ташкил қилинса, бир қатор муаммоларга ечим топилмайдими?

—Тўғри, бугун республикамиздаги йирик шаҳарлар улкан қурилишлар майдонига айланган. Бунинг учун ишчи кучи, албатта керак. Ўтган йили 39 та корхона бандлик бўлимлари орқали турли касб эгаларини ўз бағрига олди. Албатта, барча юқори иш ҳақи, қулай иш шароити мавжуд жойда ишлашни истайди. Ўзга шаҳарда рўйхатдан ўтмасдан ойлаб, ҳатто йиллаб яшаб, ишлаётганлар оз дейсизми? Бу жараённи тартибга солиш жуда ҳам зарур. Бу йил Вилоят аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлик бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, турли қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналари ўзаро ҳамкорликда қурувчи, косиб, маиший хизмат ходимларини вилоятдаги корхоналарга ишга жалб қилишни режалаштирган. Масалан, Наманган тумани Муллакудинг қишлоқ фуқаролар йиғинида қурилаётган пиллани қайта ишлаш цехи 112 кишини, Поп "Исковут-Текс" қўшма корхонаси 150 кишини, Янгиқўрғон қандолат цехи 40 кишини ишга қабул қилади. Умуман, 2004 йилда вилоят бўйича 32 минг 285 та ишчи ўринларини тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Иш изловчиларни ишга жойлаштириш учун бандлик бўлимлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўтган йили қишлоқ, туман, шаҳар марказларида бир кунлик иш билан таъминлаш марказлари ташкил этилиб, улар орқали минглаб иш изловчилар, айниқса хотин-қизлар фермер хўжаликларида мавсумий иш билан таъминландилар. Аммо бир нарсани рўй-рост айтиш жоизки, бир қатор хусусий тадбиркорларимиз, фермерларимиз ўз корхона ва хўжаликларида ишсиз аҳолини иш билан таъминлашни эмас, қандай бўлмасин ўзининг бойишини, кўпроқ фойда олишни мақсад қилиб қўйган.

Биз фуқаролик жамияти сари бораётган эканмиз, бу муаммоларнинг ечимини топишга, тадбиркорларимизнинг қалбига инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини чуқурроқ сингдиришга ҳаракат қилаверамиз. Айниқса, Меҳр ва мурувват йили учун ишлаб чиққан ҳаракат дастуримизда бу масалаларга алоҳида урғу берилган.

Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ўз-ўзини бошқариш тизимининг асосий вазифаларидандир. Ишга лаёқатли инсонни иш билан таъминлаш ҳам давр талабидан келиб чиқсак, катта мурувватни ҳисобланади. Буни айниқса, турли кичик корхона, ишлаб чиқариш шохобчаларини очаётган тадбиркорларимиз, ишбилармонларимиз теранроқ англасалар нур устига нур бўларди.

Солижон УСМОНОВ суҳбатлашди.

Ибратли оқсоқол

Тошкент шаҳрининг энг машҳур кўчаларидан бири — Буюк Турон кўчасида кўпгина давлат ва жамоат идоралари жойлашгани боис, бу йўналиш доимо одамлар билан гавжум. "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти биноси ҳам шу кўчада жойлашган. Деярли ҳар куни таҳририятга ҳамма қатори ишга келадиган ёзувчи Мурод Мансуровни узоқдан танидим.

МУРУВВАТ ИЖОДКОРИ

Одмигина кийинган ёзувчининг қўлтиғида бир даста қоғоз. Демак, кеча ҳам янги бир асарни таҳрир қилиш учун олиб кетган эканларда, деб қўяман.

Мен зимдан Мурод акани кузатаман. Пешонасида йилларнинг муҳри уйилган, қошлари қалин, миқти гавдали мана шу одам тўртта-бешта китоб ёзиб қўйган, яна денг, маҳалла оқсоқоли деб айтишса, кўпчилик ишонмаса керак.

Бундан 34 йил муқаддам собиқ "Совет Ўзбекистони" айни пайтда "Ўзбекистон овози" газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири сифатида қалам тебратган Мурод ака. Қаламининг ўткирлиги, жозибардорлиги билан таҳририятдагиларнинг эътиборига тушиб, Тошкентга ишга таклиф этилганида Акмал Икромов туманида жойлашган Қози гузар маҳалласидан паноҳ топган эди. Ўша пайтда бу маҳалла ҳам бошқа маҳаллалар қатори 1966 йилдаги зилзиладан кўп талофат кўрган эди. Мурод ака, Тошкентдаги илк иш кунини шу кўчиб келган маҳалладан бошлади.

...Кекса тут дарахти сояси маҳалланинг кекса отахонлари йиғилиб турадиган маскан эди. Янги меҳмон — Мурод аканинг улар билан суҳбати бир пасда қовушиб кетди.

Суҳбат давомида пировард гап айланиб, зилзиладан жиддий шикаст етган уйлар, ҳовлилар ҳақида бораётган пайтда, Мурод ака отахонларга маслаҳат солган бўлди.

Шу-шу бўлди-ю, Мурод акага нисбатан маҳалладошларининг ҳурмати ошди. Ўшандан буён Мурод ака ўз ташвишларидан ортиб, газета ишидан бўшади дегунча фикру ўйи маҳаллада бўлди.

Ҳозирда Мурод Мансуров шу маҳаллага, ўзи кечирган умр дақиқаларига ҳамроҳ бўлган ўша қадрдон маҳалладошларига бошчи —оқсоқол.

"Маҳаллада яшовчи Насибабону хола чолидан қолган ҳовли уй-жойини сотмоқчи эмиш".

Маҳалла аҳли ичида гап тарқалди. Бу гапни Мурод ака эшитди-ю, тинчи бузилди. Тонг саҳар Насибабонунинг уйига ўтди. Бир пиёла чой устида у ёқдан, бу ёқдан суҳбатлашган бўлиб, гап пировардида "нега кўчмоқчисизлар?" деб сўради.

Насибабону хола индамади. Орага тушган жамликни холанинг ўғли Каримжон бузиб:

— Мурод ака, бизга қолса, ҳечда кўчмоқчи эмасмизу, аммо...

— Каримжон, нима гап? Тортинмай айтаверинг, мени биласизми, — деди меҳрибонлик билан.

— Мурод ака, биласиз шартнома асосида ўқийман. Бу йил учинчи курсдаман, — деди Каримжон тортиниб. Мурод ака бироз ўйланиб қолди-да сўнг:

— Уйга келган харидордан узр сўраб, жавоб бериб юборинглар. Эртага, шу пайтда келаман, — деб мушкулини осон қилди.

Ҳа, бундай воқеалар Мурод аканинг оқсоқоллик фаолиятида кўплаб учрайди. Бу мурувватли инсон бундай масалаларнинг барчасига тадбир топди. Дарҳақиқат, М.Мансуровни маҳалладошлари нафақат адиб, қолаверса, мурувват ижодкори сифатида ҳам қадрлайдилар.

Камолиддин МИНГБОЕВ

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳри марказида жадал суръатларда "Олимпия заҳиралари" спорт коллежи бунёд этилмоқда.

НУКУСДА МУҲТАШАМ СПОРТ САРОЙИ

Оролбўйи ҳудудидаги болаларнинг энг йирик ва муҳташам спорт кошонаси бўладиган мазкур коллеж қурилишининг умумий қиймати 1 миллиард 969 миллион сўм миқдорида белгиланган. Уни бунёд этиш Хўжайли шаҳридаги "Бинокор" масъулияти чекланган жамиятнинг бинокор усталари томонидан ўтган йилда бошланган эди. Қисқа муддатда усталарнинг самарали меҳнатлари туфайли бино қурилиши сифатли қилиб амалга оширилди. 600 талабага мўлжалланган бош ўқув биноси, спорт залида айни пайтда охирги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бино теваракатрофи умумхалқ ҳашари билан ободонлаштирилди, турли дарахт кўчатлари ўтказилди.

— Ҳозир коллежнинг 200 ўринли ётоқхонасини қураяпмиз, — дейди участка бошлиғи Қонатбой Сотқанқулов. — Бу катта иншоотни мамлакатимиз мустақиллик тўйининг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни ният қилганмиз. Шу боис, 250 нафар бинокорлар кеча-ю кундуз астойдил меҳнат қилаяпти. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган.

Нафақат Нукусдаги, балки Қорақалпоғистондаги энг йирик спорт маскани бўладиган мазкур коллежнинг тез орада фарзандларимиз ихтиёрига топширилиши, қувончли воқеа.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Меҳр мурувват — кўнгилга қувват

Юнусобод туманида жойлашган 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Наврўз байрами муносабати билан Тошкент Молия институти жамоаси ҳомийлигидаги байрам дастурхони ташкил этилди.

Байрамда ўзларининг хайрия концерти билан болаларни хушнуд этган "Фурқат" бадиий ансамбли ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг дилрабо куй ва қўшиқ, жозибали миллий ва бошқа миллат рақслари байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Меҳрибонлик уйига ташриф буюрган Молия институти раҳбарияти, институт "Чет тиллари" кафедраси жамоаси, "Олой бозори", Республика ДАНи , бадиий академия ва бошқа хусусий корхона бошлиқлари ўзларининг қалб амри ила меҳр мурувватларини дариғ тутмаган ҳолда кўнгли ўксикларга атаб олиб келган ҳар хил ширинликлар, кийим-кечак, ўқув қуроллари, гилам, расмли картина ва бадиий китобларни уларга топширдилар.

Марям АҲМЕДОВА.

К.ЎЛМАСОВ олган сурат.

Тошкент шаҳри

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА МЕҲР ТЎЛА НАВРЎЗ КЕЛДИ

Ўлкамизда кенг нишонланаётган Наврўз айёми шодиёналари пойтахтдаги Меҳрибонлик уйларига ҳам катта кўтаринкилик билан қадам қўйди.



Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раҳбарияти, шаҳар ва туман ҳокимлиги, Яккасарой туман савдо департаменти, "Аския" бозори раҳбарияти вакилларидан иборат гуруҳ айём кунлари жажжи болажонлар, ўсмир ёшлар тарбиялаётган 24-Меҳрибонлик уйида бўлиб, уларнинг қувончига шерик бўлдилар. Хайрия тадбирида ҳомий ташкилот ва корхоналар даргоҳ тарбияланувчиларига совғалар топширди.

Шунингдек, тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Абдураҳимова, Республика "Нуроний" жамғармаси раиси Э.Боқиевлар сўзга чиқиб, барчани байрам билан қутлаб, болажонлар учун эсдалик совғаларини топширдилар.

МУХБИРИМИЗ.

ХАЙРЛИ ИШ ЧЕГАРА БИЛМАС

Ангор тумани Сурхон воҳасининг жанубий минтақасида жойлашган. Табиати инжиқ. Шундай бўлсада, кейинги йилларда туманнинг ишлаб чиқариш кучлари ўсмоқда. Иқтисодиёти юксалиб бормоқда. Шу боисдан ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий турмушида туб ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Бунда туманда фаолият юритаётган еттита қишлоқ, ўттиз олтита маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳам муносиб ўрни бор. Уларга бошчилик қилаётган оқсоқоллар халқни эзгу ишларга бошлашда, хайрли тадбирларни амалга оширишда ташкилотчилик қилмоқда. Кам таъминланган, ижтимоий ночор оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб, етим-есирларнинг бошини силамоқда.

Буни Холли Раҳмонов раис бўлган Таллимарон қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Йиғин ҳудудида 17 минг 800 киши истиқомат қилади.

Бу ердаги касб-ҳунар коллежи ҳар йили юздан ортиқ малакали кадрлар тайёрламоқда. Уларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш ҳам қишлоқ ва маҳалла йиғинлари зиммасидаги масъулиятли вазифа. Бу борада яхши натижаларга эришиляпти. Ўтган йили ғишт ишлаб чиқариш корхонаси яна биттага кўпайтирилди, иккита пахтани қайта ишлаш цехи барпо этилди. Демак, юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Яна бир гап. Туман ҳокимлиги маҳалла йиғинлари фаолиятини кучайтириш учун уларга етарлича иш шароити яратиб бермоқда. Ширкат хўжаликлари фермер хўжалигига айлантирилгач, уларнинг эски бинолари маҳалла йиғинлари ихтиёрига берилди.

Рўзигул Тўрақулова Ангор қўрғони маҳалласига раислик қилади. У қўрғон ҳудудида маҳалла маркази ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Туман ҳокимлиги унинг бу таклифини қўллаб-қувватлади. Маҳалла маркази учун алоҳида бино ажратиб берилди. Ундан Ангор қўрғони ва маҳалла йиғини ўрин олди. 29-маҳалла-милиция таянч пункти ҳам шу бинода жойлашди. Ҳозирда унинг ёнида Ангор пахтани қайта ишлаш корхонаси ҳомийлигида маҳалла гузарини қуриш ишлари қизғин кетмоқда.

Қўрғонда турли тадбирларни ўтказиш учун имкониятлар етарли. Бу ишга ҳомий ташкилот ва корхоналар мадад қўлини чўзмоқда. Масалан, Таллимарон қишлоқ йиғинида 315 нафар кам таъминланган оилалар, 169 нафар ногиронлар мавжуд. Улар саховатли инсонлар меҳридан баҳраманд бўлмоқда. Буғдой ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан ширкат ва фермер хўжаликлари таъминламоқда. Шоймардон Чоршанбиев қўли очиқ, бағри кенг фермер сифатида ҳурмат қозонган. У хўжалигидан олган даромаднинг ўн фоизини мурувват ёрдамига ажратди. Ночор оилаларга тўрт тонна буғдой тарқатиб берди. 13-мактабни таъмирлаш учун

Сурхондарё вилояти

қурилиш материалларидан ёрдам кўрсатди.

"Ангор пахта" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Хўжаназар Абдураҳмонов ҳам эл орасида меҳр-мурувватли инсон сифатида тан олинган. Уч юздан ортиқ муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳар қандай кишининг қўлидан келмайди. Корхона ўзининг сартарошхона ва пойафзал таъмирлаш устахонасига эга. Улар кам таъминланган оила аъзоларига текин хизмат кўрсатади. Гулистон маҳалласидаги беш оила ҳам Хўжаназар Абдураҳмонов мурувватидан бебаҳра қолмади. Турар жойлари текинга таъмирлаб берилди. Маҳалладаги икки йигитнинг никоҳ тўйи сарф-харажатларини ҳам Х.Абдураҳмонов зиммасига олди. Меҳрибонлик уйида тарбияланган уч болани саноат-қурилиш коллежида ўқитяпти. Умуман олганда, корхонада муҳтож кишиларни ижтимоий муҳофаза қилишга, меҳр-мурувват кўрсатишга, ишчиларни моддий рағбатлантиришга, ободончилик ишларини амалга оширишга ҳар йили ўн беш миллин сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Шунингдек, Ангорда болалар спорти ҳам йил сайин равнақ топмоқда. Айниқса, футбол жамоаси эришаётган ютуқлар қувончли. Ўтган йили улар вилоятда совриндор бўлиб, республика биринчилиги учун тўп суришди. Бунда ҳам туман "Ангор пахта" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари Х.Абдураҳмоновнинг муносиб улуши бор. У футбол жамоасига ҳомийлик қиляпти. Мусобақаларга фаол иштирок этиш учун бир автобус улар ихтиёрига ажратилган. Йўл сарф-харажатлари ҳам Хўжаназар аканинг ҳисобидан.

Биз Меҳр ва мурувват йилида бундай саховатли инсонлар сафи янада кенгайишини истаймиз.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

МАКТАБ ПАСПОРТИ

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ умумтаълим мактабларининг ягона шаклдаги паспорти ишлаб чиқилмоқда.

— Шаҳримиздаги мактабларнинг ҳаммаси ана шундай паспортга эга бўлди, - дейди Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими мудири Баҳодир Дўсимбетов. — Мазкур ҳужжат асосида ҳар бир мактабнинг моддий-техника базаси, шарт-шароити ва камчиликларига баҳо бериш мумкин.

Шаҳардаги 24 мактабда 20 мингдан зиёд ўғил-қиз ўқийди. Айни пайтда айрим мактабларнинг моддий-техник базаси ночорлиги сир эмас. 15 мактаб капитал реконструкцияга, 9 таси капитал таъмирга муҳтож. Синфхоналар етишмаслиги боис олти мактабда дарслар икки менада олиб борилмоқда. Педагог кадрлар ҳам етишмайди. Боз устига, актабларда сабоқ бераётган 931 нафар ўқитувчининг атиги 97 нафари эркаклар, холос.

Республикамиз Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Мазкур Фармойиш талабларидан келиб чиқиб, шу йилнинг ўзида шаҳардаги икки мактабни капитал реконструкциялаш, тўққизтасини капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ибрат ва сабоқ

РАҲБАРЛИК — САНЪАТ

уни уддалаш учун катта иқтидор керак

Инсон меҳр-муҳаббат, орзу-ҳавасга тўймайди. Оталари ўғилларини болалигида "менинг ўғлим ҳоким бўлади, менинг каттам олим бўлади, менинг каттам одам бўлади" деб эркалатишади. Гарчи бу эртанги кунидан бехабар айтилса ҳам, тагида ўзбекона ният ётади. Бир шоир айтганидек, "ниятни узун қилавер, ўзинг етмасанг болаларинг етади, болаларинг етмаса невараларинг, чевараю эвараларинг, жуда бўлмаса бегоналаринг етади". Қилинган ният ота-онанинг тилида бўлсаю, уни амалга ошириш, ҳаракат ва интилиш фарзанднинг дилида бўлса қандай яхши.

Қирқ йил елкасида кет мон тутиб сувчилик қилган маҳалладошим Сотиболди ҳам ўғилларининг элюрт хизматини қиладиган, "тагида машинаси, қўлида папкаси" борларга ўхшашини хоҳлайди. Айниқса, каттаси ўтган йили институтни битириб, бир корхонадаги энг кичик лавозимларидан бирига ишга жойлашганида Сотиболди ака шунга ҳам қанчалик хурсанд бўлганди. "Биззи бола, ўсадиган бола, ҳа, энди бошламасида", деб ўзига таскин беради. Яқинда у билан учрашиб қолганимизда "биззи бола ҳам маҳалланинг даврасига қўшилиб қолди", деб фахрланиб қўйди.

Бир транспорт корхонасидаги раҳбар билан ходим ўртасида катта келишмовчилик бўлиб, бир-бирларига ёв қараш, орқадан чалишга уриниш жуда авж олиб кетди. Шундай кунларнинг бирида ходим отасининг оғир бетоб эканлигини айтиб, бир ҳафтага қишлоққа бориб келиш учун жавоб сўради. Раҳбар "йўқ" демади. Эртаси куни раҳбар иш столида ўтириб, жавоб сўраб кетган ходим билан ўн йилдан буён давом этиб келаётган можарони бир-бир хаёлидан ўтказди. Бирдан хаёлига бир фикр келди, кадрлар бўлимидан ходимнинг таржимаи ҳолини сўратиб, уни яхшилаб ўқиди ва ўрнидан туриб хизмат машинасида тўғри бозорга тушди. Катта бозорлик қилиб, ҳайдовчисига манзилни айтди. Отасининг эшиги олдига келиб тўхтаган машинадан тушган "хўжайин"ни кўриб ходим қотиб қолди. "Демак, ишонмай орқамдан текшириб келибди?!" Бу фикрни бузиш учун икки дарёнинг суви ҳам етмаса керак.

— Мўйдинбек, сиз кетгач ҳамкасбларингиздан отангиз ҳақида сўраб-суриштирсам ёши улуғ инсон экан. Емайичмай сизни катта қилибди. Шундай улуғ инсоннинг дуосини олай деб озгина бозор ҳам қилиб келдим, айбга буюрмайсиз.

Хижиллик сал кўтарилди. Отаси билан раҳбарнинг салкам уч соатлик ширин суҳбати эса ходимни душмандан дўстга айлантирди. У кетгач, ота ўғлига қараб:

— Ўғлим, мени бу дунёдан ризо кетсин десанг мана шундай яхши инсонларнинг этагини тут, — деди.

Кўрдингизми, раҳбарнинг топқир фикри билан душман дўстга, кейинчалик қадрдон ака-укага айланишди.

"Раҳбарлик санъати" деган бир гап бор. Тўғри, санъат, лекин кейинроқ санъат, негаки унинг сўзини ҳам, мусиқасини ҳам, ижросини ҳам ўзингиз бажарасиз.

Мусулмончиликда кечиримлилик деган гап бор. Биласизми, дунёда кечирадиган, кечирмайдиган ишлар ҳам бўлади. Кўнгли қолган одамнинг кечиримси эса қаттиқ бўлади.

...Бундоқ ўйлаб қарасак раҳбар бўлишнинг масъулияти ўз соҳасининг билимдони бўлишдан ҳам оғирроқ. Баъзида корхона, хўжаликларга раҳбар тайинлашаётганда шу соҳани яхши билади, яхши ўзлаштирган, деб бир томони ҳисобга олинадию, одамларни қандай тушунади, одамларнинг юрагига қандай кириб боради, деган гапларни уни бўшатишаётганда кўпроқ айтишади. Масалан, "одамлар билан тил топиша олмади, одамларнинг юрагига кира олмади" деган гаплар.

...."Ниятни узун қилавер, ўзинг етмасанг болаларинг етади, болаларинг етмаса невараларинг, чевараю эвараларинг, жуда бўлмаса бегоналаринг етади"...

Қайсидир йили бир хўжалик раисининг бошқа каттароқ лавозимга ўтишига одамлар розилик бермай, туман раҳбарининг ҳам гапларини инобатга олишмади. Шу раис қирқ йил ишлаб топган ҳурматини бир кунда йўқотиб қўйди. Воқеа эса бундай бўлган эди...

Қишлоқ уйларининг томорқасига туташ пахта далаларини айланиб юрган раис даланинг ўртароғига ташлаб кетилган ахлат уюмларини кўриб қолади. Бригадирни шу ахлатни ташлаган одамни топиб берасан, деб сиқувга олади. "Айбдор" бир зумда топилди. Мактабда 40 йил ўқитувчилик қилган бир зиёлининг невараси билиб-билмай ахлатни пахтазорга ташлабди. Раис "уйингдаги гиламингни олиб чиқ", деб қистади. Ҳеч нарсани тушунмаган муаллим деворга осилган гиламини қўлтиқлаб чиқди. Раис уни ахлатнинг ёнига тўшаб, бригадирга ахлатни юклашга буйруқ берди. Яп-янги гиламга ортилган ахлатни елкасига ортган муаллим қўни-қўшни нигоҳида ер ёрилиб, ерга кириб кетмади. Раиснинг бу «қилиғи» эса бир ҳафта тилдан-тилга кўчди. Албатта кўнгилли гаплар билан эмас. Ёзув-чизув бошланди. Мана, раҳбарнинг қирқ йил меҳнат қилиб топган обрўсининг бир кунда шамолга учиши қандай рўй берганлиги. Менинг назаримда, раҳбар биринчи кундан то фаолияти тугагунча қил кўприк устида ҳаракат қилса керак. Шунинг учун ҳам раҳбар, амалдор бўлишликни орзу қилиш яхши, балки унга эргашиш баъзилар учун унчалик қийин ҳам эмасдир. Лекин қил кўприкда туриб ҳаммага ёқиш, ҳамманинг кўнглини олиш, давлат, юрт олдидаги вазифангни ҳалол уддалаш, эртага ишдан кетганингда орқадан яхши хотира қолдириш анча мушкул масала.

100 ёшни қоралаб, оламдан ўтган Олтиной энам ёлғиз ўғли бўлган отамга доим "тилингга ва қўлингга эҳтиёт бўл" деб насиҳат қилгувчи эди. Бундоқ ўйлаб қарасам, тилингдан кетадиган ёмонликка ҳам, қўлингдан келадиган ёмонликка ҳам эҳтиёт бўл дегани экан.

Менинг бу мулоҳазаларим бекорга туғилгани йўқ. Муҳтарам юртбошимиз 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб юритиш ташаббуси билан чиқдилар. Шу йилда қилинадиган барча савоб ишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, бу ташаббус каттами, кичикми раҳбарлар учун ҳам ўзига хос синовдир. Синовлиги шундаки, ҳозирги замон раҳбари юрт хизматини баланд билиб, Ватан қудратини ҳар кунлик ҳалол меҳнати билан юксалтирса, элига меҳрли, халқига мурувватли бўлса одамлар юрагидан жой олади.

Ҳамид НОРҚУЛОВ,
журналист.

Сирдарё вилояти

ГУЛИСТОНДА ЎҚУВ-СЕМИНАР

Гулистон шаҳар ҳокимиятида маҳалла фуқаролар йиғини раислари, котиблари, посбонлари, педагог-тарбиячилари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, шаҳар меҳнат бўлими инспекторлари ҳамда шаҳар ижтимоий таъминот бўлими вакиллари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинарда шаҳарда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича иш олиб бораётган масъул ходимларнинг вазифалари, иш жараёнида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида сўз борди. Жумладан, маҳаллаларда берилаётган моддий ёрдамнинг фуқароларга тақсимланиши ўрганиб чиқилганда, тўлов рўйхатларида ўша эски номларнинг кузатилганлиги, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг фақат маҳаллага тушган аризалар билан ишлаб, ариза бермаган, аммо моддий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини эътиборсиз қолдираётганликлари алоҳида таъкидланди.

Сирдарё вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Рауф Абдураҳмонов ўз маърузасида жамғарма қошида жамоатчилик назорати ишини жонлантириш, бу ишларни ташкил қилиш учун малакали мутахассислар, хусусан ҳуқуқшуносларни жалб қилиш лозимлигини уқтирди.

Ўқув-семинар янги сайланган фуқаролар йиғини раислари, котиб ва посбонлар фаолиятида, уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини янада яхшироқ англашида, ободончилик, тўйҳашамларни ташкил этишдаги бир қатор хайрли ишларида амалий ёрдам бериши аниқ.

Анвар ТОҒАЕВ

Фаолиятимизда фойдали

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган Аъзамжон Гадойбоев, Саминжон Раҳимовларнинг "Олтин ўтда, одам маҳаллада тобланади" деган илмий-услубий савол-жавоблар мажмуидан иборат китоби, илғор дунёқараш ва тафаккур соҳиби бўлишга интилган маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликка муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

"ОЛТИН ЎТДА, ОДАМ МАҲАЛЛАДА ТОБЛАНАДИ"



Қўлланманинг "Сабоқ маҳалладан бошланади" мавзуидаги сўзбошисида муаллифлар маҳаллага таъриф бериб, унинг Ўзбекистонга хос миллий демократик, тарихий, анъанавий, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институти экани, ҳозирги кунда давлат сиёсатини кенг халқ оммасига етказувчи, фуқароларнинг онгли бирлашиши орқали маҳаллада хавфсизликларини ўзлари таъминловчи, ёшлар тарбиясига, оила, хотин-қизлар масалаларига оид муаммоларни ҳал этувчи, кам таъминланганларга иқтисодий ёрдам кўрсатувчи орган эканини айтиб ўтишган.

Китобнинг асосий қисми миллий истиқлол ғоясига оид савол-жавоблардан иборат. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, борасидаги намунавий тавсияларингиз қандай?", деган саволга унда: "Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодларимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ниҳолга — мевали дарахтга куртак пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик, меҳр, оқилона йўл билан амалга ошириш керак", — дея, жавоб берилади. Маънавий-мафкуравий ишларни олиб боришда аҳолининг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишлари эътиборга олиниши лозим, тарбиянинг таъсирчан воситалари, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш керак, айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириб, назариянинг эскича услубларини қўллаб, фаннинг қадрсизланишига йўл қўймаслик, тарғибот ва машғулотлар жараёнида тазйиқ ўтказмаслик, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш таклифларини беришади.

Қўлланмада шунингдек, халқимизни бунёдкорлик ишларига сафарбар қилишда Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармасининг фаолияти ёритилади. Унда ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан амалга оширилган ҳамда келажакда амалга оширилажак ишлар ҳақида маълумотлар берилган. Китобда маҳалла фаолларига кенг халқ оммаси ҳаётига яқин бориш, имкониятлардан тўла фойдаланишга қаратилган бир қатор йўл-йўриқлар берилган.

"Меҳр ва мурувват йили" дастурининг ижроси ҳам кўп жиҳатдан маҳаллалар фаолиятига боғлиқ. Шундай экан, бу нашр ушбу йилда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ва фуқаролари учун муҳим дастуриламал вазифасини ўташи тайин.

Шуҳрат НАСИМОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази етакчи мутахассиси.

Олам турфа

ҚУЛОҚДА ҮНГАН МАЙСА

Исроилда 6 ёшли қизалоқ қулоғидаги оғриқдан нолиди. Мутахассислар қизалоқ қулоғини текширувдан ўтказишганда, ҳайратдан ёқа ушлашди. Қизалоқнинг қулоғида жавдар уруғи ўса бошлабди. У бир неча ҳафта аввал ўйнаб юриб бир уруғни билмай қулоғига солганига иқрор бўлган. Иссиқ жойда уруғ илдиз отиб, ўса бошлаган. У ўсгани сари, бола оғриққа чидолмай, шифокорга мурожаат қилди.

ҚОРИНДАГИ ГАРМОШКА

Нидерландиядаги эстрада артисти Питер Ван Дюрен ўз лаб гармошкасини ютиб юборди.

Тез ёрдам бўлимида унга ёрдам беришолмади. Айнан шу дамда концертнинг иккинчи қисми бошланган экан! Питернинг ҳар бир ҳаракатида гармошка ҳам ҳаракатга келиб, садо чиқарган. Бунга чидаб туролмаган бояқиш жарроҳлик муолажасига рози бўлган. Шундан сўнг Питер ўз касби билан мангу хайрлашишга қарор қилди. Ахир яна шундай қўнгилсизлик юз бермаслигига ким кафолат бера олади?

БОШДАН ҚЎНИМ ТОПГАН СНАРЯД

Ворсестерлик инглиз миллатига мансуб Билл Уэстон микроинсультни бошидан кечириб, қисқа муддат хотирасини йўқотган.

Уни рентген текширувидан ўтказишганда, бошида 58 йил аввал думалоқ ўқлар билан тўлдирилган снаряд бўлаги қолиб кетганлиги аниқланган. Уэстон ўшанда ёнида ўқотар порт-лаганини эслайди. Бу воқеа 1944 йилда содир бўлган. Ўшанда ёш Билл Италияда Мусоллиннинг 8-армиясига қарши жанг қилаётган эди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ

Қўшма корхона - истиқлол маҳсули

Мамлакатимизда хорижий сармояларни жалб этган ҳолда қуриб ишга туширилаётган замонавий қўшма корхоналар иқтисодиётимизни юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. "Кабул-Ўзбек Ко" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам шулар жумласидандир.

БАРҚАРОР ЎСИШ ЁКИ ҲАМКОРЛИК НЕГИЗИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов корхонанинг тантанали очилиши муносабати билан йўллаган табригида мазкур замонавий иншоот Ўзбекистон-Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга мустаҳкам ҳисса қўшиши, иқтисодиётимизни юксалтиришда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистоннинг шу пайтгача кўпчиликка маълум бўлмаган чекка бир шаҳарчаси бундан буён Маразий Осиё чегараларидан ташқарида ҳам машҳур бўлишига ишонч билдирган эди. Мазкур корхона тайёр маҳсулотларининг деярли ҳаммасини Европа,Осиё, Америка қитъаси мамлакатларидаги истеъмолчиларга сотишга эришмоқда. Бу корхона фаолиятидаги энг юқори натижадир. Ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзининг доимий харидорини топмоқда.

Хорижий ишбилармонларнинг самарали ҳамкорлиги туфайли қарийб 44 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонига эга бўлган мазкур замонавий иншоот бундан қарийб саккиз йил муқаддам ғоят қисқа муддат — тўққиз ойда қуриб битказилди. Лойиҳа қиймати 76 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ушбу корхона жаҳон бозорида рақобатбардошлиги билан ажралиб турадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий ускуналар билан тўла жиҳозланган.

Бу ерда маҳсулотларни қайта ишлаш кўрсаткичи йилдан-йилга ошиб бораётир. 2003 йилда мавжуд қувватларни тўла ишга солиш, илғор технологияни моҳирона қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қарийб 40 минг тонна, яна қўшимча 1-2 минг тонна хомашёни қайта ишлашга муваффақ бўлинди.

Бу эса ишчилар сонининг ошишига олиб келди. Корхонада дастлаб икки мингга яқин ишчи меҳнат қилган бўлса, бугунги кунда қарийб 3 минг 800 нафар йигит-қиз замонавий ускуналарни муваффақиятли бошқармоқда. Илғор технологияда ишлашга катта иштиёқманд маҳаллий ёшлар нафақат Тўйтепа шаҳри ва Ўрта-Чирчиқ тумани, балки қўшни Оҳангарон, Оққўрғон тумани, Олмалиқ, Оҳангарон, Тошкент шаҳридаги корхонага қарашли транспортда бепул қатнаб ишлашади.

Қўшма корхонанинг асосий фаолияти турли хилдаги тўқимачилик ва трикотаж учун мўлжалланган қаттиқ ип-газлама, калава ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга мўлжалланган. Бундан ташқари, корхона юз фоиз пахтадан бўлган ип-газлама материалларини ҳам ишлаб чиқариб, экспорт қилишга эришмоқда. "Кабул-Ўзбек Ко" қўшма корхонаси республикамиздаги саноат маҳсулотлари экспорти бўйича юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналардан биридир.

Бу ерда тайёрланадиган ип-калава ва бўз матолар дунёнинг 15 дан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда. 15 турдан зиёд ип-калава ва 12 хил матоларнинг асосий қисми, яъни 60 фоизини Европага, 10-12 фоизи АҚШ ва қолган қисми Осиё мамлакатларидаги истеъмолчиларга сотилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан анча юқоридир.

Аброр БЕРДИЕВ

МЕҲР-МУРУВВАТ

Инсонлигингни айтар аён
меҳр-мурувват,
Кимга армон, кимларга дармон
меҳр-мурувват.

Тошбағирлар пайҳон этса
кўнгил гулзорин,
Ғунчаларда урмагай хонадон
меҳр-мурувват.

Қалб торини майин-майин
чертсанг мабодо,
Яхши йўлга бошлагай ҳар он
меҳр-мурувват.

Оқшомлари тўлин ойдек
таратиб шуъла
Кундуз қуёшдайин чароғон
меҳр-мурувват.

Бир сўз билан кўнгил уйин
этиб мунаввар,
Мискин диллар дардига дармон
меҳр-мурувват.

Дейдиларки, қарс икки қўлдан
чиқар мудомо,
Бирга бўлгай намоён ҳар он
меҳр-мурувват.

Тинчлик бўлсин оламда,
аҳиллик топсин қарор,
Ҳеч бўлмасин ўртада сарсон
меҳр-мурувват.

Ота-она, эл-юрт ризо
бўлса Абдулло,
Номинг айлар бир умр достон
меҳр-мурувват.

Абдулла САФОЕВ

Тошкент вилояти

МЕҲР БЕРИБ ҚАДР, ТОПГАН ОТАХОН!

Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Суратда: А.Фозилхонов (чапдан учинчи) маҳалладошлари даврасида.

Халқимиз азалдан меҳнатсевар, ҳалол, эл-юрт учун жон фидо қиладиган инсонларни қадрлаб келган. Бу гўзал одат мана неча минг йиллардан буён барҳаёт. Тошкент тумани Й.Охунбобоев номли ширкат хўжалигида истиқомат қиладиган Абдужалилхон ота Фозилхонов ҳам ана шундай эъзозга муносиб кишилардан. Отахон умрини она заминнинг қайноқ тафтини сезиб, унга ҳаёт бағишлаб ўтказди. Туманда отанинг қадоқ қўллари билан парваришланган ширинданшакар узумлари довруғини эшитмаган киши топилмайди. Бугун Абдужалилхон ота 75 ёшга кирганига қарамай, ҳамон ёшликдаги ғайратини йўқотмаган. Маҳалла-куйдаги ҳеч бир тадбир А.Фозилхоновсиз ўтмайди.

ТАБИАТ ЖОНКУЯРЛАРИ

Жиззахлик ўрмончилар жорий йилнинг қулай ва мўътадил бошланганидан фойдаланиб, баҳорга ҳозирлик кўриш ишларини анча аввал бошлаган эдилар.

— Ўтган йили кўчат етиштиришнинг ўзидан 6 миллион 800 минг сўм фойда олдик, — дейди вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бош ўрмончиси Ўрол Аширматов. — Буюртмачиларга миллион тупга яқин турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилди. Бу эса шаҳар ва қишлоқларимизда табиий мувозанатни сақлашга кўмаклашди.

Чунончи, ўтган йили кузда 300 гектар ерда турли хил дарахтларнинг уруғларидан кўчат етказишга шароит яратилди. 100 гектар ерга қаламчалар экилди. Табиатнинг бебаҳо бойликлари бўлган ўрмончилик маҳсулотлари, шу жумладан, 324 тонна мева, 28,5 тонна ёнғоқ аҳолига етказиб берилди. 162 куб метр ёғоч материаллари тайёрланди.

Айниқса, кейинги йилларда дарахтларнинг уруғидан кўчат етиштиришга катта эътибор бериляпти. Бу борада 30 гектар ерда маҳсулот етиштираётган Фориш ўрмон хўжалиги жамоасининг тажрибаси қўл келмоқда.

Кейинги йилларда дуб, можжевельник, мажнунтол, каштан дарахтларига бўлган талаб ошмоқда. Айниқса, қора арча каби узоқ яшайдиган, табиатимизни кислород билан бойитадиган, шаҳарларга кўрк қўшадиган дарахтларнинг кўчатлари кўплаб етиштирилаётгани таҳсинга лойиқ.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Барака — ҳамжиҳатликда

ИЛҒОР ХЎЖАЛИКДА РАИС ҲАМ БОР

Узун туманида бўлганимда Жума Пирназаров номли ширкат хўжалиги раиси Шокиржон Раҳимов тўғрисида кўп илиқ сўзлар эшитдим ва у киши раҳбарлик қилаётган ширкат хўжалиги томон йўл олдим.

— Шокиржон камтар, барчага баробар одам, — дейди Узун тумани Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими раиси А.Ғаниев. — Барчанинг кўнглини овлайди, ҳожатини чиқаришга ҳаракат қилади. Маҳалла оқсоқоллари билан ҳам иноқ, ҳамфикр. Хўжаликда бирор тадбир ўтказиладиган бўлса, дарҳол уларнинг сўзини эшитади, таклифини олади. Ўзи иқтисодчи, туман Агросаноат бўлимини бошқарган, режалаштириш ва истиқболни белгилаш мажмуасига раҳбарлик қилган. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу инсон ҳозирда ширкат хўжалигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

— Хўжалигимиз туманда пешқадам, — деди раис Ш.Раҳимов. — 630 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Унинг 229 гектарида ғалла, 342 гектарида пахта етиштирилади. Икки минг бошдан ортиқ ҳисори қўйга эгамиз. Тайёрлов пунктларига 24 тонна гўшт, 2 тонна жун етказиб бердик. Хўжаликда қорамолчиликни йўлга қўйдик. Ҳозир 50 бош қорамол бўрдоқига боқиляпти. Бу кўрсаткичлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Бунда маҳалла оқсоқолларининг хизмати катта. Негаки, улар биз билан ёнма-ён меҳнат қилади. Фуқароларни дала ишларига жалб қилади.

Ҳа, раис ҳақ сўзлади. Ерга қадалган чигит икки қулоқ бўлиб юз кўрсатгандан бошлаб, одамлар далага отланади. Чопиқ қилади. Оби-ҳаёт таратади, озиқлантиради, ғўза қаторлари ораларига ишлов беради, бегона ўтдан тозалайди, зараркунанда ҳашоратларга қарши курашади. Оқсоқоллар эса ҳар ишда уларга бош, мададкор бўлади. Ҳашарлар уюштиришда ташкилотчилик қилади.

Натижада хўжалик юксак иқтисодий самарадорликка эришди. Ялпи даромад 2002 йили 326 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 480 миллион сўмга етди. Рентабеллик 18,5 фоиздан 23 фоизга кўтарилди. Соф фойда 48 миллион сўмдан 110 миллион сўмга ошди. Уларнинг асосий қисми аҳоли манфаати учун сарфланади.

Жумладан, ўтган йили маҳалла йўлларидан тўрттаси қайта таъмирланди, саккиз километр йўлга шағал ётқизилди. Икки минг юз метр узунликда газ узатиш тармоғи тортилди. Меҳнат маҳалласидаги 6-сонли мактаб ҳам хўжалик оталиғида. Унинг янги биноси қурилишига икки миллион сўм ажратилди. Ширкат хўжалиги ўзининг тарихий музейига эга эди. Лекин у анча вақт эътибордан четда қолганди. Раис Ш.Раҳимовнинг саъй-ҳаракати туфайли музей биноси бошдан оёқ қайта таъмирланди. Унга қўшимча бино қурилди. Экспонатлари тикланди.

Сурхондарё вилояти

Кўрғонча, Сурхонбоши қишлоқларида аҳоли гавжум яшайди. Лекин, сув таъминотида жиддий камчилик сезиларди. Бу муаммо ҳам ечимини топди. Бу ишга хўжалик ҳисобидан ўн миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш хўжалик раиси Шокиржон Раҳимовнинг ҳамиша диққат марказида туради. Ўтган йили ёзда етиштирилган ғалладан эллик тоннаси ана шундай кишилар хонадонига етказиб берилди. Уларни маблағ билан қўллаб-қувватлаш мақсадида сарфланган пул икки икки ярим миллион сўмга етди.

Бу ерда ҳам ҳайит ва байрамлар фахрийларсиз ўтмайди. Улар учун алоҳида совғалар ҳозирланади. Беморлар ҳам ҳисобга олинади, албатта. Шу ўринда фактлар келтирамиз. Ўтган йил давомида қимматбаҳо буюмлардан тайёрланган эсдалик совғалар билан тақдирланганлар сони уч юз кишидан ошган эди.

2004 — Меҳр-мурувват йилида ишчан раис, саховатпеша саркор маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат янги йилда амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олган. Чунончи, Меҳнат, Янги Рўзғор маҳаллаларида гузарлар қурилади. Бу ишга ҳозирданоқ ҳаракат бошлаб юборилди. Эҳтиёжманд кишиларнинг яшаш жойларини ҳашар йўли билан таъмирлаш кўзда тутилган. Ночор оилалар моддий қўллаб-қувватланади, хўжалик ҳисобидан уларга ёғ, ғалла ва бошқа зарур эҳтиёж моллари етказиб берилади.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қалб мавжи

НАВРЎЗ НАШЪУ НАМОСИ

Не бахт, яна юртимга
Наврўз айёми келди,
Янги кун — Янгиланиш,
яшнаш мароми келди.
Эзгу урф-одатларнинг
азалий, Наврўзона,
Меҳр билан йўғрилган
соғинч саломи келди.
Кун ва тунни баробар,
тенг айлагучи қудрат,
Ҳамал буржи аталмиш
олий мақоми келди.
Шу кунлар деб жон фидо
этган буюк зотларнинг,
Хотири эъзозланиб,
мангулик номи келди.
Бизга руҳий мададкор
бўлиб ўтмиш-мозийнинг
Гиждувоний, Нақшбанд,
Сино, Ҳайёми келди...
Тилимизни тобора
жарангдор, нафис айлаб,
Алишер Навоийнинг
шеърий каломи келди.
Чўпон-чўлиқ, деҳқонга
қут-барака бахш этиб,
Табиатнинг сероб ўт —
ўлан-инъоми келди.
Байрам дастурхонига
замин ноз-неъматлари:
Кўкат сомса, ширмой нон,
майиз, бодоми келди.
Айниқса, дош қозонда
пишиб қиёмга етган,
Навбаҳорнинг сумалак —
тансиқ таоми келди.
Ҳавас билан кенг жаҳон
бизни табрикламоқда,
Қутлов билан ҳурмати
ва эҳтироми келди.
Наврўз нашъу намосин
куйлашга даъват айлаб,
Қалбдан Исомиддиннинг
жўшиб илҳоми келди.

Исомиддин ЖУМАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Мулоҳаза

Дарё бўлиб яшанг, Одамлар!

Инсонларнинг бир-бирига кўмаклашиши азал-азалдан ўзбек халқининг энг қутлуғ удумлари қаторидан жой олган. Қўшнисиникида бирорта юмуш қилинаётган бўлса атрофдагилар ҳам шу ҳовлига йиғилишарди. У пайтларда уйларнинг томлари ҳали шифер эмасди. Куз фасли киргач, том сувоқ бошланарди. Уй эгаси хандак қазиб лой тайёрлар, унга сомон аралаштириб "пишитарди". Ҳашар куни яқин қўшнилар, ошна-оғайнилар бирлашиб томнинг усти қалингина қилиб суваларди. Кимдир лой қориган, бошқа бирови арқон билан лой тортган, яна бири эса андава билан чиройли қилиб сувашга киришган бўлади.

Меҳнат билан гурунг шу қадар қизир эди-ки, ҳазил-мутойиба туфайли ҳеч ким чарчаганини сезмасди. Фақатгина бу эмас, токлардан узум узиб томнинг устига ёйиш, бирор киши иморат тикласа унга ёрдам бериш ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланарди. Ўша кезлари ҳеч кимнинг ҳашардан четда турганини асло кўрмасдингиз. Ҳатто йўлдан ўтиб кетаётган йўловчи ҳам битмай турган ишни битказишга озгина бўлса-да ҳисса қўшарди. Инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр ва оқибати ана шундай оғир кунларда қўл келарди.

Кечаги меҳр негадир бугун бироз камайгандек. Ака укасига бир муаммони ечишда ёрдам қилмаётганини кўрсангиз қалбингизда оғриқ пайдо бўлади. Бу оғриқ қон-қардошлик риштаси узилаётганда жунбушга келадиган оғриққа ўхшайди. Катта ишларни ўз вақтида ниҳоясига етказиш ҳам арзимаган келишмовчилик туфайли ойлаб, ҳатто йиллаб орқага чекиниб кетади. Тоға ва жиян ўртасидан "оламушук" ўтган ҳолатларни бугун жуда кўп бора учратамиз. Уларнинг можароси замирига етсангиз арзимаган баҳона билан юзкўрмас бўлиб кетишганини дарҳол фаҳмлайсиз. Маҳалланинг ўрни қаерда қолаяпти? Тўғриси, баъзи қишлоқ оқсоқоллари "бировнинг ишига бурун суқиш яхши эмас" қабилида бундай ҳолларда ўзларини четга олишмоқда.

Оҳ, жигарим! Сен билан мен бир ота-онанинг фарзандларимиз-ку. Бир-биримизга озгина нафимиз тегмаса бу дунё қиёматини яқинлаштириб қўймаймизми?! Бугун агар ака иморат қилаётган бўлса, баъзан шу ерда уканинг дараги бўлмайди. "Биздан қандай хизмат зарур?" деб турадиган жигарларни чироқ ёқиб ҳам ахтариб тополмайсиз. Шундай кезларда "ака-укалик меҳри қаёққа кетди. Уканинг саховати қани?" каби саволлар миянгизда ғужғон ўйнайди.

Оиладан путур кетса, унга оила бошлиғи айбдор, деймиз. Маҳалладан путур кетса, оқсоқолни қоралаймиз. Мактабда ўқитиш савияси паст бўлса, директор билимсиз дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундаймикан? Ҳаммасининг илдизи оиладаги тарбияга бориб тақалмайдими? Фарзандингиз ўғирлик қилса, оқсоқол жавоб бермайди. Аввало оилада тарбия масаласи юқори даражага кўтарилиши зарур. Фарзандингизни ижтимоий меҳнатга ва ўқишга қизиқтира олсангизгина унинг келажакдаги меваси ҳам лаззатли бўлади. Ўз уйида меҳнатга бўйин ёр бермаган бола бировнинг ҳашарига ҳеч қачон бормайди. Тарбиянинг бўшлиги, ота-онанинг ўз бурчини тўғри адо этмаслиги болани танбаллик ботқоғига, дангасалик маконига судрайди.

Бирор шаҳар ёки қишлоққа қадам ранжида қилсангиз, битмай турган юмушни кўриб одамларига баҳо бериш мумкин. Ҳамма нарсани пулга чақверсангиз инсонийлик ва мусулмончилик деган туйғуларни эрта бир кун қаердан топасиз? Қайси хўжаликда иш яхши кетмаётган бўлса, демак раҳбар одамларнинг бошини қовуштираолмаяпти. Ўша хўжалик ёки ташкилотдаги фойдаланилмай турган иморатлар бу ерда ҳиммат камарини белига боғлаганлар кам эканлигини кўрсатади.

Тоғдан тушаётган ирмоқлар бир-бирига қўшилиб кўпайиб бораверади. Ана шу ирмоқлар бирлашган пайтда дарёга айланади. Бу дарё ҳар қандай тўғонни бузиб ўтишга қодир. Уни тўхтатиб қоладиган кучни топиш амри маҳол. Агар одамлар ҳам бир-бирини қўллаб, мурувват кўрсатишса, ҳар қандай муаммо ҳал этилади. Ҳаёт — ғанимат, унинг ҳар бир лаҳзаси асрларга татигулик маъно бағишласагина, умрингиз абадийликка муҳрланади. Демак, бир-бирингизга қанчалик мурувват кўрсатсангиз, охиратда жаннатда яшаш бахтига мушарраф бўласиз. Шунинг учун дарё бўлиб яшанг, азиз одамлар!

Гайрат БОБОҚУЛОВ

Ибратли ҳикоялар

САХОВАТЛИ ЁҒИЛДАН ЭШИКЛАР...

Бир куни Иброҳим алайҳисаломнинг эшигига бир фақир келиб Аллоҳ йўлига хайр-эҳсон сўради. Иброҳим алайҳисалом уни кўп ноз-неъматлар билан сийладилар. Фақир пайғамбар эшигидан узоқлашгач, қўшнисининг эшиги томон юрди. Буни кузатиб турган Иброҳим алайҳисалом:

"Агар уйимнинг нариги томонида ҳам бир эшик бўлса, фақир у ерга ҳам келар эди", дея хаёл қилдилар.

Шундан сўнг Пайғамбар уйларининг нариги томонидан ҳам бир эшик очтирдилар. Токи бир фақир келиб, Аллоҳ йўлига эҳсон сўраса, ўша эшикдан ҳам назр қилишни ният қилдилар.

ЎЛИМНИ УНУТГАН БОЙВАЧЧА

Бир киши Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг олдиларига келиб:

—Эй Аллоҳнинг расули, ҳеч ўлимга ён беришни истамаяпман. Ўлимни хотирлаганимда ўзимни ноҳуш сезаман,—деди.

Пайғамбаримиз(с.а.в.) сўрадилар:

—Молу давлатингиз борми?

—Ҳа, ҳаддан зиёд кўп.

Аллоҳнинг расули дедилар:

—Энди бориб, мол-давлатингизни ўзингиздан аввал охиратга жўнатинг. Зеро, сизга ўлимни унуттирган ҳам шу мол-давлатингиздир. Агар уларни ҳозир Аллоҳ йўлига сарфламасангиз, кейин афсус-надомат фойда бермайди.

Пайғамбаримиз(с.а.в)нинг ушбу сўзларидан сўнг у киши бутун мол-давлатини Аллоҳ йўлига бағишлади.

ҲАСИСЛИКДАН ХАЛОС БЎЛМАЙ...

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурига бир киши келиб шундай деди:

—Ё Расулуллоҳ, мен гуноҳкор бир бандаман. Гуноҳларимнинг саноғи йўқ. Молу давлатим ҳам кўп. Аммо эшигимга тиланиб келган кимсани кўрсам, энсам қотади.Уни қуруқ қўл билан уриб соламан.

Унинг сўзларини тинглаган Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дедилар:

—Аллоҳга қасамки, агар сизнинг бир йиллик умрингиз қолган бўлса-ю, бу муддат ичида кечаю кундуз тоат ибодат этиб, рўза-намозни адо қилсангиз ҳам, токи хасисликдан халос бўлмас экансиз, барибир борар жойингиз жаҳаннамдир!

Ф.БЎТАЕВ тўплади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Иш кунларида ғайратингиз сезиларли даржада ортади. Уни жиддий ишларга сарфлашга ҳаракат қилинг. Реклама-тижорат борасидаги ишлар муваффақиятли кечади.

СИГИР(22.04-20.05)
Яқин кунларда ўта махфий маълумотларга тасодифан эга бўласиз. Уни ҳар кимга сўзламанг. Аксҳолда ишонувчанлигингиз туфайли касбий фаолиятингиз хавф остида қолиши ҳам мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Турмуш ўртоғингиз ёки касбий ҳамкорларингиз бирлдирган янги таклифларга ҳушёрроқ бўлинг, чунки улар қутилмаганда жуда фойдали ва амалга ошириш учун қулай бўлиши мумкин.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Иш кунларида ўзингизни бутунлай иш фаолиятингизга бағишлаганингиз каби дам олиш кунларида тамомила эркин ва хотиржам бўлишга, оилавий тантаналар уюштиришга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда зиммангизга қандай топшириқ тушмасин, унга ижодий ёндошасиз. Бу ҳолат ишингиз ва кайфиятингиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни бошқаларга қараганда тез ва осон ҳал этасиз. Дам олиш кунларини рўзғорнинг майда-чуйда ташвишлари билан ўтказасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Яқин уч-тўрт кун мобайнида сизга шундай ғайрат-шижоат ёғиладики, бу куч билан тоғларни остин-устун қилишга ҳам қодирсиз. Лекин кўп иш бажарган ҳолда кам гапиришни маслаҳат берамиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда атрофдаги кишиларнинг сизга ҳайриҳоҳлигида кўп ишларни муваффақиятли уддалайсиз. Шу боис дам олиш кунлари яхши ҳордиқ чиқаришга ҳақлисиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда атрофдаги кишиларга катта ижобий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўласиз. Нима учундир кўпчилик сизнинг маслаҳатларингизга амал қилишга шошилади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Яқин кунларда сизга келажакда катта фойдаси тегадиган кишилар билан танишасиз. Уларда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилинг. Бу жуда муҳим.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда кайфиятингиз баҳор обҳавосидек ўзгарувчан бўлади. Бундан ўзингиз ва атрофдагиларга бироз ноқулай бўлган вазиятлар юзага келади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Яқинда нишонлаганингиз — туғилган кунингизда олган қувончли таассуротларингиз анча вақтгача сизга куч-ғайрат ва кўтаринкилик бағишлаб туради. Шу боис катта юмушларда иккиланманг.

Тошкент вилояти

ЯНГИ МАСКАН

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Қибрай туманидаги Янгиобод маҳалласида яна бир янги бино қад ростлади. Наврўз айёми кунларида Рашидовлар оиласи томонидан қуриб битказилган мазкур шинам чойхона "Қурбон ота" деб номланди. Энди маҳалла аҳли бу ерда хордиқ чиқаришлари, турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказишлари мумкин.

Қашқадарё вилояти

"ОЙДИН"нинг ЙЎЛИ ОЙДИН

Қарши шаҳридаги Ойдин номли маҳаллада ўн мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллага Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгаши депутати Карим Шукуров саккиз йилдан буён бошчилик қилиб келади.

Маҳаллада Меҳр ва мурувват йилида оқсоқол бошчилигида анчагина тадбирлар амалга оширилди. 40 га яқин кам таъминланган оилалар фарзандларига йил бошида мурувват ёрдами кўрсатилди. Турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам берилди. Шунингдек, яқинда маҳалла фаолларидан Тўра бобо Мансуров томонидан "Сарой" чойхонаси ишга туширилиб, 10 га яқин киши иш билан таъминланди, 100 дан ортиқ ёлғиз, ногирон кишилар учун хайрия тадбири уюштирилди.

Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари, умумхалқ ҳашари уюштирилиб, кўплаб мевали дарахт кўчатлари, гул ниҳоллари ўтказилди. Бундай хайрли ишларга яқиндан ёрдам бериб келаётган саховатпеша инсонлар — Й.Нормуродов, А.Мансуров, Х.Мансуров, Ш.Раҳимов, З.Мансурова, Ё.Ғоипова каби тадбиркорлардан маҳалла аҳли миннатдор.

М.ҒАНИЕВА,
Ойдин маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

«M.R»

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги

2004 йил 27 апрел, 4, 11, 18, 25-май кунлари Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг биносида соат 10.00 да ким ошди савдоларини ўтказади.

Ким ошди савдоларига қўйидагилар қўйилади:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Жомий кўчаси 229-уйда жойлашган "436-Ёғочни қайта ишлаш заводи" ишлаб чиқариш бино ва иншоатлари, бошланғич нархи 19628160 сўм.

Тошкент вилояти Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган:

1) Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида жойлашган 1-сонли Ёғочни қайта ишлаш заводи ОТАЖ асосий воситалари (бино ва иншоатлари), бошланғич нархи 153760364 сўм;

2) Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган "Тўй-тепа автобус таксамотор саройи" ОАЖ асосий воситалари (бино ва иншоатлари), бошланғич нархи 110000000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалаллар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани А.Хўжаев кўчаси 1-уй. Телефонлар: 138-69-70; 138-69-93.

Тўқилмаган ҳангомалар

ВАЗНИ ОШМАДИ...

Туманда гўшт топшириш бўйича режа бажарилмаганлиги боис, ўша давр одатига кўра, аҳолидан мол сотиб олиниши ҳақидаги хабар тезда бутун қишлоққа тарқалди.

Абдулла ака, гарчи семиз қорамоллари етарли бўлса-да, гўштга ёш таначасини топширишга қарор қилди. Рўзғорга пул ҳам керак, деган фикрда ўғлига таначани ҳовлига олиб чиқишни буюрди. Мол кўринишидан унча катта эмас, бунинг устига қорни ҳам ичига тортилган.

— Ада, бунингиз ҳеч тош босмайди, тириклай тарозида тортиб олишяпти.

Бироз ўйланиб турган Абдулла аканинг калласига ғаройиб бир фикр келди:

— Сув олиб келчи, бир-икки челак ичса вазни ошади...

Мол сувга қайрилиб ҳам қарамади.

— Биласанми, нима қиламиз? Уйдан туз олиб чиқиб оғзига тиқамиз. Қани сув ичмаганини кўрай!

Икки ҳовуч тузни зўрлаб таначанинг оғзига тиқишди. Жонивор шунда ҳам сув ичмади.

— Камлик қилди шекилли, қани яна бироз берайлик-чи.

Яна икки-уч ҳовуч туз молнинг ичига кетди. Бу сафар улар кўпчилик бўлиб бечора молни анча вақтгача ерга босиб туришди. Мол ўрнидан турганида дир-дир титрарди. Шу куйи бир челак сувни яримлатди.

— Энди охурига бойлагин-да. Олдига сувни қўйиб қўй, ичади, — деди Абдулла ака қилган ишидан мамнун бўлиб. Бирон соатдан сўнг кўчада мол олувчилар пайдо бўлишди.

— Қани олиб чиқинглар молни.

Молхонадан ўғлининг ҳаяжонли овози эшитилди. Ҳаллослаганча молхонага кириб борган Абдулла тўрт оёғи тўрт томонга чўзилиб ётган таначани кўриб ўзи ҳам қотиб қолди...

БЕЛГИ...

Қишлоқда моллар ҳар куни тонг саҳар яйловга чиқарилиб, кен қоронғусида ҳовлига қамалади. Абдулла аканинг ҳам икки сигири, ўн-ўн беш қўйи подага ҳайдалар эди. Бир куни қўйлардан иккитаси уйга қайтиб келмади. Оталарининг зуғуми билан кўчага отланган болалар алламаҳал қўйни-қўшниларникидан қўйларни топиб келишди.

— Ада, ҳамманинг қўйлари белгилик, бизлар ҳам белги қўйсак подадан ажратиб олиш осон бўларди, — деб қолишди.

— Отларга белги қўйишганини кўрганман, лекин қўйларга... билмадим қандай бўлади, — ўйга ботди Абдулла ака.

— Отларни қандай белгилашади? — қизиқиб сўради болалардан бири.

— Темирдан ясалган белгини қиздириб, белига ёки сонига босишади.

— Қўйнинг жуни бор...

—Агар жунини қирқиб қўйсак-чи?.. Йўқ, ўсиб кетгандан кейин кўринмай қолади.

Абдулла аканинг калласига ялт этиб бир фикр келди:

— Жағига босамиз, жуни ҳам йўқ, яна узоқдан кўринади.

Бир қарорга келишиб, ота-болалар хотиржам ухлашди. Эртаси куни қўйлар подага чиқмади. Абдулла ака бошчилигида болалар қаердандир йўғон сим топиб келиб, "А" ҳарфини ясашди. Иш енгил кўчаётганидан ҳамма хурсанд. Ўт ёқилиб "белги" чўғ қилиб қаздирилди. Болаларга ишонмасдан Абдулла ака ўзи белги босадиган бўлди.Тезда қўйлар бирма-бир ётқизилиб, тепа жағига белги қўйила бошланди. Бир пайт белги қандай қўйилганини билмоқчи бўлиб орқага ўгирилган Абдулла ака ўтириб қолди...

"Белгиланган" қўйлар гўё тишини кўрсатиб "тиржайиб" турар эди.

Илҳомжон ТУРОББОЕВ

МЕҲР ҚОЛУР - ОҚИБАТ ҚОЛУР

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Тошкент шаҳар "Оила" маркази ва "Қалб эътиқоди" давраси, Сирғали туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Меҳр қолур — оқибат қолур" деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан "Файз Холдинг" компанияси биносида ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосари Г.Йўлчиева Меҳр ва мурувват йили моҳияти ҳақида сўзлади.

Шундан сўнг сўз олганлар саховат, меҳр-оқибат тушунчалари, қадрият ва ёшлар, инсонни ардоқлаш, қадрлаш, меҳр-оқибат туйғуларининг шеъриятдаги инъикоси каби масалалар юзасидан фикр билдирдилар.

МУХБИРИМИЗ.



Болаларча маъсум орзулар қучоғида яшаётган ДИЛШОДЖОН! Туғилган кунинг муборак бўлсин. Қалбларимизни қувончга тўлдириб, кўзимизни қувнатиб улғайверғин. Камоли вахтингни кўриш бизга насиб этсин.

Бувванг, онанг ва яқинларинг.

Р.МУҲИДДИНОВ чизган расмлар.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9004 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-427 Топширилди—